Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 23 ноябрь Шанба.
№ 85 (14383)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЕВОНИ АХБОРОТ МАРКАЗИ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини назарда тутиб, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга тезкорлик билан муносабат билдириш орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишларга асосланган тизими таркиби, низоми ва лавозимлар рўйхати тасдиқлансин.

2. Ахборот маркази зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, маъруза ва нутқлари, Ўзбекистон қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид барча муҳим воқеалар моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз аҳолисига ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси юклатилсин.

Асосий эътибор ислоҳотларнинг тарихий аҳамияти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, буюк келажак йўлида фидойилик, миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, халқ ва Ватан манфаатларига содиқлик, одамлар онгида рўй бераётган ўзгаришларни чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий, маънавий ва халқаро шарҳлар орқали ёритишга қаратилсин.

3. Ахборот маркази эркин демократик ахборот маконини яратиш ва бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатишлари йўлида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Таниқли олимлар ва мутахассисларнинг ижодий имкониятларидан тўла фойдаланиш мақсадида Ахборот маркази қошида маънавий-маърифий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва халқаро йўналишлар бўйича жамоатчи шарҳловчилар гуруҳлари ташкил этилсин.

5. Ахборот маркази Президентнинг фармон ва фармойишлари, нутқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан таъминлансин. Ахборот маркази ходимларининг Олий Мажлис сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва республика миқёсида ўтказиладиган барча муҳим тадбирларда қатнашишлари кўзда тутилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ АССАМБЛЕЯСИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари ўртасида маданият, маърифат, тил, илм-фан ва маънавий қадриятларга асосланган ўзаро ҳамкорликнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳамда ушбу минтақа зиёлилари ва кенг жамоатчиликнинг мурожаатларини инобатга олиб, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстлик ва маънавий бирликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатининг халқларимизнинг муштарак бой анъанавий меросини авайлаб-асрашга, адабиёт, санъат, илм-фан соҳасида эришган ютуқларини дунёга танитиш, бу соҳада янги имкониятларни излаб топиш ва тарғибот ишларини такомиллаштиришга қаратилган фаолият дастури маъқуллансин.

2. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро ҳаракатини янада ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрида унинг жамғармаси тузилгани ва Низоми Ўзбекистон Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгани инобатга олинсин.

3. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифалари:

ассамблея дастурини амалга оширишга, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, минтақа ва бошқа мамлакатлардаги сармоядорларни жалб қилиш, ўз низоми доирасида ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият, тижорат, туризм ваноширлик ишлари билан шуғулланиш;

Марказий Осиё халқларининг тарихий бирлиги ғоясини улуғлаш, илмий, маданий-маърифий алоқаларни такомиллаштириш, тинчлик ва осойишта ҳаёт йўлида дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш;

буюк аждодларимизнинг асрлар мобайнида яратилган ва ноёб маънавий мулкимизга айланган мероси — муштарак миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб-асраш, бойитиш, мустақиллик манфаатлари йўлида кенг тарғиб қилиш;

ёш авлоднинг муштарак анъаналарга ҳурмат ва садоқат, истиқлол туфайли қайта уйғонган ўзликни англаш, миллий ғурур, меҳр-оқибат, яқин қўшничилик ва биродарлик туйғуларини юрак-юракдан ҳис этиши, минтақада тинчлик ва осойишталик бунёдкорлари, порлоқ истиқбол ижодкорлари бўлиб камол топиши учун саъй-ҳаракат кўрсатиш;

мунтазам равишда маданият, адабиёт, санъат, фольклор, миллий ҳунармандчилик, болалар ижоди каби соҳалар бўйича халқаро фестиваллар, анжуманлар, кўрик-танловлар ўтказиш, ассамблеянинг турли мукофот ва совринларини жорий этиш, шу орқали ижод аҳли ва зиёлиларни шонли тарихи, бетимсол бугуни, ёрқин келажаги бир бўлган қондош халқларнинг азалий ва абадий ҳамкорлигини улуғловчи бадиий баркамол, юксак инсонпарварлик руҳидаги ўлмас асарлар яратишга илҳомлантиришдан иборат эканлиги эътиборга олинсин.

4. Жамғарманинг таъсисчилари ва ҳомийлари, турли ташкилотлар, корхоналар ва жамоатчиликнинг уни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Жамғарма ва унинг тасарруфига кирувчи бўлинмалар, корхона ва ташкилотлар барча турдаги давлат солиқларидан, божхона тўлови ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа тўловлардан беш йил муддатга озод этилсин, шунингдек, таъсисчилар ва ҳомийларнинг даромаддан тўлайдиган солиқ бўйича базаси уларнинг жамғармага ўтказадиган пул маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) жамғармага Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 10 (ўн) миллион сўм маблағ ажратсин ҳамда жамғарма дастурига доир хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун мўлжалланган миллий сўмни эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Ф. Муллажонов) жамғармага Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли кредит беришни ҳал этсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) бир ой муддатда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси халқаро жамоатчилик ҳаракатининг қароргоҳи ҳамда жамғарма учун бепул алоҳида бино ажратсин.

9. Оммавий ахборот воситаларига жамғарма фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**Ислом КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 ноябрь

*Президент стипендияси совриндорлари*

## БИЛМАГАНЛАРИМ ҲАЛИ КЎП



Қудрат болалигидан ўзининг ажойиб фазилатлари билан ажралиб турарди. Ўрта мактабни «Олтин медал»га тугатди. Университетда ҳам иқтидори, қобилияти, билими билан тезда кўзга ташланди.

У оилада иккинчи фарзанд, иккинчи ўғил.

Отабой ака Жуманиёзов Урганч Давлат Университети жаҳон тиллари факультетида кафедра мудири. Шукуржон опа педагог. 6 фарзандни тарбиялашаяпти. Ҳамиджон — муҳандис-педагог, Зоҳиджон Урганч Давлат Университетининг чет тили бўлимида 5-курс толиби, Ҳуринисо ўзбек тили филологияси факультети 1-курс талабаси, Ҳулкар 2-синф ўқувчиси, кичкинтой Ҳурилиқо эса уч ёшда.

* * *

Қудрат жуда камгап йигит. Қаҳрамоним билан янада яхшироқ, яқинроқ танишиш мақсадида уни турли саволларга тутаман.

— Қудрат, немис ва инглиз тилларини шу қадар мукаммал билишингнинг сабаби ҳойнаҳой оиладаги муҳит, қолаверса отангнинг таъсири. Шундай эмасми?

— Ҳа, 3-синфга борганимда отам билан немис тилида суҳбатлаша бошлаганман. Отам тилни билишимга алоҳида меҳр билан қараганлар. Ўшанда илмий ишни отам Германияда ҳимоя қилган эдилар.

Инглиз тилини эса Университетда ўргандим. Бу тилни ўзлаштиришим унчалик мушкул бўлмади.

— Дейлик, илминг ҳам, билиминг ҳам кучли, лекин чўнтакда ҳеч вақо йўқ. Ахир яшаш керак-ку. (Шундай саволни жўрттага бераман).

— Илм-фанни тижорат қилувчиларни унчалик хуш кўрмайман. Давлат ажойиб илм соҳибларини ҳамиша ҳимоя қилиши керак. Шунда давлат ўзининг буюк қудратли иқтисоди, бой маънавиятига эришади. Мен давлатимизда илм-фан аҳллари, иқтидорли ёшлар ҳақиқий эъзоз, қадр-қиммат топаётганидан ҳурсандман. Чунки мустақиллигимизнинг дастлабки биринчи кунлариданоқ маънавиятимиз, миллий қадр-қимматимиз, ўтмиш, тарихий анъаналаримиз, момоларимиздан қолган ноёб касб-корлар қайта қадр топди, иккинчи умрини бошлади.

Мамлакатимизда илмли, зукко, тадбиркор, ишбилармон киши хор бўлмайди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ёш авлод камолотига, унинг истиқболига алоҳида эътибор билан қараяпти. Ёшлар орасидан жаҳонга таниқли олиму фузалолар етишиб чиқажагига шубҳам йўқ. Тенгқурларим ичида илмга чанқоқ йигит қизларни кўрсам, қувониб кетаман.

— Тилни яхши билардинг, немис тили факультетига кириб, осонгина ўқиб кетаверишинг мумкин эди. Нега айнан тиббиётни танладинг?

— Мен жўнликдан мураккабликка интилишни маъқул кўраман. Чунки ўрганганларим ўзимники. Билмаганларим ҳали жуда кўп.

Ҳа, Қудрат тиниб-тинчмас йигит. Университетда таълим олиши билан бир вақтнинг ўзида вилоят онкология диспансерида ишлаяпти. Малакасини муттасил ошириб боришга ҳаракат қилмоқда. У Чет элларда қўлланилаётган энг замонавий тиббиёт даволаш усулларини ўрганиш ва уни ўзимизда тадбиқ этиш, юрак хасталиклари мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш орзусида. Бу тўғрида 1994 йили умумий гигиена фанидан Республика тиббиёт институтлари ўртасида ўтказилган «Орол муаммоси»га бағишланган олимпиадада ва илмий-амалий конференциялардаги чиқишларида алоҳида тўхталди. Бўлғуси шифокорни Орол муаммоси билан боғлиқ хасталиклар ҳамиша ташвишга солиб келяпти.

Янгиликларга интилувчан, қуюнчак, аълочи ва жамоатчи талаба, бўлажак жарроҳ Қудрат Жуманиёзовга Оллоҳдан беҳисоб илм, қудрат ато этишини тилаб қоламиз.

**Дилбар БЕКЖОНОВА,**
**Хоразм вилояти.**




### РИМ ПАПАСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Буюк Британиядан чиқадиган «Таймс» газетаси Ватиканда бўлиб ўтган Рим Папаси Иоанн Павел иккинчининг собиқ СССР Президенти Михаил Горбачев билан бўлиб ўтган учрашувини ёритди. Газетанинг таъкидлашича, бу Рим католик черкови бошлиғининг Михаил Горбачев билан иккинчи бор учрашувидир. Бу учрашув Рим Папасининг «энг охирги ҳақиқий коммунист» Фидел Кастро билан мулоқотидан олдин бўлиб ўтди. Муаллифларнинг фикрича, Иоанн Павел иккинчи ва Михаил Горбачев Шарқий Европада коммунизмни барбод қилиш ташаббускорларидандир. Шу боис Рим Папаси Куба раҳбарини коммунистик тизимнинг бемаънилигига ишонтиришга уринмоқда. Рим Папасининг фикрларини тасдиқлаган ҳолда, Михаил Горбачев Римда маъруза қилиб, Кубада 34 йилдан бери давом этаётган очарчилик Кастро таъкидлаётганидек, «Америка эмбаргоси» оқибати эмас, балки коммунистик тузумнинг «ҳосили»дир. Бироқ Фидел Кастро коммунистик ғоялардан воз кечиш нияти йўқлигини қатъиян билдирди, деб ёзади «Таймс» газетаси.

### ҲОКИМИЯТ УЧУН КУРАШ

Буюк Британиянинг «Дейли телеграф» газетаси Президент Александр Лукашенконинг ҳокимият учун кураши натижасида Белоруссияда вужудга келган аҳвол ҳақида сўз юритди. Лукашенкода кўпроқ ҳокимиятни ўз қўлида туплаб олиш иштиёқи шунчалик кучлики, у ўз душманлари билан курашда ҳеч қандай йўлдан уялмаяпти, деб ёзади газета. Бироқ бундай сиёсий компания Президент обрўйини ошираётгани йўқ. Аксинча, унинг обрўйини жуда ҳам тушириб юбормоқда. Мабодо Александр Лукашенко ўзи хоҳлаган даражада ҳокимиятни қўлга киритса, республикада диктатура ўрнатилади деб ёзади «Дейли телеграф».

### ДЕПУТАТЛАР ИККИ ЙЎЛДАН БИРИНИ

### ТАНЛАШИ КЕРАК

Киев шаҳар суди ҳукумат таркибида бўлган 38 нафар депутатга нисбатан қарор қабул қилди. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам парламентда, ҳам ҳукуматда бўлишлари мумкин эмас. Бу ҳақда Украина телевидениеси хабар берди. Парламент раиси Александр Мороз атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазири Юрий Костенко ва ташқи ишлар вазири ўринбосари Антон Бутенко ё ҳукумат, ё парламент креслосини танлаш тўғрисидаги таклифни рад қилганларидан сўнг, у судга мурожаат қилган. Суднинг қарорида депутатлар Конституцияни бузганлиги кўрсатилган. Ўз вақтида депутатлар ҳам бош прокурорга мурожаат қилиб, парламент раиси ўз ваколатини ошириб юборганлиги учун чора кўрилишини сўрашган.




### ХЕВРОНМИ Ё АЛ-ХАЛИЛ?

Яқин Шарқдаги араб-исроил можаролари ҳануз ер юзидаги энг оғир дардли нуқталардан бўлиб қолаётир. Б. Нетаняху ўтган сайловда Исроил Бош вазири этиб сайланганидан сўнг, шунгача бу ҳудудда тинчлик аста-секин қарор топишига уйғонган умид бир қадар сўна бошлади.

Ўтган ҳафта Исроил ва Паластин томонлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган йирик шаҳарлардан бири Хеврон билан боғлиқ можароларни муҳокама қилди. Қоҳира радиосининг хабарига кўра, бу учрашувда томонлар бирор-бир муросага келишолмаган.

Хеврон, умуман, араб-исроил можароларининг энг мураккаб нуқтаси ҳисобланади. Шаҳарда 120 минг араб аҳолиси ва 500 яҳудий истиқомат қилади. Шаҳарга тақаб қурилган янги уй-жой мавзеларида ҳам 6 мингча яҳудий миллатига мансуб аҳоли жойлашган. Шаҳарни яҳудийлар Хеврон деб, араблар эса Ал-Халил деб номлашади. Шаҳарнинг марказида асосан яҳудийлар яшашади. Бир шаҳар икки хил номланишидан ташқари, бу ерда дафн этилган улуғлар ҳам икки хил ном билан аталади: яҳудийлар Аврамни зиёрат қилишади, араблар ҳам уни — Иброҳимни зиёрат қиладилар. Бундай қарама-қаршилик, ном, ер, авлиё талашишлар икки халқ ўртасида кўп қон тўкилишларга сабаб бўлиб келмоқда. Жумладан, 1980 йили паластинлик террорчи маросимдан қайтаётган яҳудийларни ўққа тутиб, 6 кишини ўлдирган бўлса, бундан икки йил бурун яҳудий Голдштейн исмли урушқоқ мачитда намоз ўқиётган мусулмонларни ўққа тутиб, 29 кишини ҳалок қилди. Бугунги кунда ҳам бирор-бир томон ён беришни истаётгани йўқ. Шаҳар иккига, бир-бирига душман тарафларга ажралган. Араблар: тинчликни истаган ҳар бир яҳудий Ал-Халилдан чиқиб кетиши керак, деган талабни қўйишса, яҳудийлар: биз ҳеч қаерга чиқиб кетмаймиз, кетмоқчи ҳам эмасмиз, бу қийинчиликлар ўтиб кетади, дейишмоқда.

Бугун Хеврон — Ал-Халил кўчаларида яҳудий миллатига мансуб кишилар қурол билан юрганини кўриш мумкин. Ҳар икки миллатга мансуб кишилар қарши томоннинг қўққисдан ҳужум қилиб қолишидан чўчиб яшайди.

Паластин ҳукумати ҳам, Исроил томони ҳам можарони тинч йўл билан ҳал этиш лозимлигини эътироф этаётир. Бироқ барча ҳаракатлар қуруқ ваъдадан нарига ўтаётган йўқ. Ослодаги шартномага кўра эса Исроил қуролли кучлари шу йил март ойида Хеврондан чиқиб кетиши керак эди. Бош вазир Б. Нетаняху шаҳардаги яҳудий аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун Паластин томонга ҳар хил талабларни қўймоқда. Ўз навбатида Я. Арафат шаҳарда тартиб-интизом сақлаш Паластин ҳукуматига мансуб кучларга топширилиши зарурлигини уқтирмоқда. Шу кунлар хевронликлар орасида ҳар хил ваҳимали миш-мишлар юрибди. Араблар яқин-орада яҳудий миллатига мансуб экстремистларнинг ҳужум қилиб қолиши ҳақида гапиришса, яҳудийлар «Хамаз» гуруҳининг қўпорувчилик ҳаракати юз бериши эҳтимолини таҳлика билан гапиришмоқда...

Хуллас, Хеврон — Ал-Халил кўчаларида барқарор осойишталикнинг қарор топиши кун сайин оғирлашиб бораётир.

## ОЛАМНИНГ ОҒРИҚ НУҚТАЛАРИ

### БАЛҚАРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Кейинги кунларда Шимолий Кавказда яна бир зиддиятли нуқта пайдо бўлди. Қабарда-Балқар Республикасининг Налчик шаҳрида балқар халқининг қурултойи бўлиб, қурултой «Россия Федерацияси таркибида мустақил Балқария Республикасини ташкил этиш ҳақида» қарор қабул қилди. Ҳозирча бу анжуманнинг ташкилотчилари ва сабаблари ҳақида ахборот воситаларида бирор-бир тайинли гап айтилгани йўқ. Бироқ «Труд» газетасининг ёзишича, бундан беш йил бурун Чеченистонда ҳам дастлаб воқеалар ана шундай «қурултой»лардан бошланган экан. Дарвоқе, Налчикдаги қурултойга Чеченистон ўзининг расмий делегациясини жўнатган, бироқ ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари томонидан бу делегация Қабарда-Балқар республикасига киритилмаган.

Балқар халқи қурултойининг қарори билан федератив шартнома ва Ваколатларни белгилаш ҳақидаги шартнома ҳамда қурултой қарорларига зид бўлган Қабарда-Балқар республикасининг қонунлари ҳаракати тўхтатилган. Шунингдек, янги жамият ташкилотлари тузилгунига қадар Балқария республикасида тўғридан-тўғри президентлик бошқаруви жорий этилишига ҳам қарор қилинган. Ўтиш даври учун ҳокимиятнинг Олий Ташкилоти — Давлат Кенгаши тузилиб, кенгаш раислигига истеъфодаги генерал-лейтенант С. Беппаев сайланган. Яна бир алоҳида қарор билан «бузғунчилик ва жиноятчилик ҳаракатлари олдини олиш мақсадида» балқарлар яшайдиган аҳоли пунктларида ўз-ўзини ҳимоя қиладиган отрядлар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Қурултой 12 январда мўлжалланган Қабарда-Балқар республикаси Президентлигига сайловлар «Балқария республикаси ҳудудида» ўтказиш мумкин эмас, деб топди. Маҳаллий ташкилотларга сайлов комиссияларини тарқатиб юбориш топширилган.

Қабарда-Балқар президенти В. Коков бу ҳаракатлар барчаси қонун доирасидан ташқарида эканини таъкидлаб, уни «миллий-бузғунчилик», дея баҳолади ва сепаратчиларга қарши қонун доирасида барча чоралар кўрилади, деб айтди.

«Труд» газетаси бу хавфли ҳодисага қарши ўз вақтида курашиш лозим, деб ёзади: «Ахир, бу ҳудудаги бирор-бир республикада биргина миллат яшамайди, уларни майда давлатчаларга бўлиб юбориш — ҳалокатли. Бу ўринда шуни эслатамизки, Қабарда-Балқар республикасида балқар аҳолиси 50 минг кишинигина ташкил этади».

**О. АҲМЕДОВ,**
**«Туркистон» шарҳловчиси**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз ёшларининг «Камолот» жамғармаси ўзига хос танлов ўтказаётир. Танловки, шарти битта, совғаси бир нечта! Кимда-ким қуйида берилаётган саволларга тўғри ва лўнда жавобларини шу йилнинг 4 декабригача таҳририятимизга йўлласа «Камолот»нинг антиқа совғаси соҳиби бўлади.*

Соврин соҳиби бўлишга шошилинг, азизлар!

**1. Конституция сўзининг луғавий маъносини биласизми?**

**2. Ўзбекистон тарихида нечта Конституция амалда бўлган?**

**3. Ўзбекистон Конституциясида нечта модда бор?**

**4. Демократия ва шахс ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?**

**5. Ўзбекистон Президенти И. Каримов Конституцияни қандай таърифлаган эди?**

**6. Биринчи Конституция илк бор қайси мамлакатда ва қайси даврда қабул қилинган?**

**7. Дунё экспертларининг Ўзбекистон Конституцияси ҳақидаги фикри?**

**8. Дунёда энг кам ўзгартириш киритилган Конституция қайси давлатга тегишли?**

**9. Маънавий ва моддий тутқунликнинг бир-биридан фарқи?**

**10. Дунёда Конституцияси йўқ давлатлар борми, бўлса у қайси давлатлар?**

**11. Амир Темур даврида Конституциявий ҳуқуқ бўлганми, бўлган бўлса у қайси номда аталган?**

**12. Конституцияга биноан кимлар халқ номидан гапириши мумкин?**

**13. Конституцияга асосан «сиёсий партия» нима дегани? Касаба уюшмалари-чи?**

**14. Жамоат бирлашмаси деб нимага айтилади?**

**15. Конституция ва қонуннинг устунлиги нима дегани?**

**16. Конституцияда шахс ҳуқуқи ва эркинликлари қандай кафолатланган? Сиёсий ҳуқуқлар-чи?**

**17. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қандай иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга эга?**

**18. Жамиятнинг иқтисодий негизлари деганда нимани тушунасиз?**

**19. Қонунчиликка биноан фарзандларнинг бурчлари нимада?**

**20. Олий Мажлис ваколатлари нималардан иборат?**

**21. Ўзбекистонда кимлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга?**

**22. Давлат ҳокимиятининг манбаи нима?**

**23. Давлат ҳокимияти тизими қандай ҳокимиятларга бўлинади?**

ЖАВОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЙЎЛЛАНГ:
700083.
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32.
«ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.
ТЕЛЕФОН: 36-56-58, 33-79-69.

*Миллий қадриятларимиз*

# ЭЪТИРОФ

Одамлар азалдан қадрлаб келадиган, эзгуликни тарғиб қилувчи маънавият воситаси бу — халқ донишмандлиги мероси намуналаридир.

Туркий элнинг салмоқли аҳолисига эга бўлган ўзбеклар фольклори маънавият тарбияси учун яратилган бебаҳо меросдир. Президентимиз И. Каримов: «Биз иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврига қадам қўяр эканмиз, маданий-маърифий соҳадаги ишларимиз, маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини ҳам белгилаб олишимиз керак», — дея бежиз маънавий тарбия билан боғлиқ масалага алоҳида эътиборни қаратмаган. Ҳақиқатан ҳам, инсоният ўтмишдан ҳозирга қадар давом этиб келаётган халқлар тарихига назар ташласак, ҳар бир тарихий давр ўзига хос, ишлаб чиқариш муносабатларига мос маънавиятни ҳам вужудга келтирган.

Ўтмиш авлодларимиз шу қадар кўп ва бебаҳо маданий-маънавий мерос қолдирганки, бугунги кунга қадар уларнинг бир қисмигинаси мафкуравий-тарбиявий эҳтиёжимизни қондиришга хизмат қилади. Ваҳоланки, ҳали халқ жонли сўзлашув нутқида фольклоршунос, элшунос ва тарбияшунос олимлар назарига тушмаган кўплаб маънавий қадриятларимиз яшамоқда. Шундай фазилатларни исботловчи бир эътироф ҳеч ёдимдан кўтарилмайди.

1985 йил юртимизга, молдавиялик Спатару деган фольклоршунос ташриф буюрди. Менга Спатаруни ўзбекларни турмуш кечириш тарзи билан таништириш юклатилди. Дастлаб меҳмонга Хастимом зиёратгоҳини ва Кўкалдош мадрасасини кўрсатмоқчи бўлдим. Бироқ Спатару: «Дўстим, мен мана шу Хастимом масжиди атрофида истиқомат қиладиган хонадонлар турмуш тарзини кўришни хоҳлайман», — деб қолди. Мен ўзимча, кўча эшиги кичкина, тор ҳовлилардан бирига кириб, шу хонадон ўзбек халқининг миллий турмуш тарзини, этнографик белгисини англатади, деб қандай айтаман деган истиҳола билан хонадонларга кейинроқ кирайлик-да, ҳозир шаҳримизнинг марказидаги Кўкалдош мадрасасига борамиз, деганча уни чалғитмоқчи бўлдим. Спатару ҳам аксини олганидек, шундоққина Хастимом масжидининг ёнидаги кичкина эшикли ҳовлини кўрсатиб қолса бўладими... Нима қиларимни билмай эшик қўнғироғини босдим. Сал ўтмай эшик очилди. Ҳовлига кўзим тушиши билан ўзим ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим. Ҳовли сатҳи кенг, саҳни топ-тоза қилиб супурилган, тартиб билан гуллар экилган, садарайҳон ва жамбилларнинг ҳиди ҳовлидан кирган кишининг димоғини қитиқлайди. Эшик остонасидан ташқарида туриб салом берган эдим: ёшлари 60 лар чамаси нуроний хола: «Вой онанг ўргилсин, эшик остонасидан ичкарига киринглар», деб бизни ҳовлига таклиф қилдилар. Олдин меҳмон, ортидан мен ҳовлига кирдик. Хола бизни атрофида атир гуллар экилган сўрига ўтказишга шайланиб, келинига: «Келин, тез янги кўрпачаларингиздан олиб чиқинг, меҳмонлар келиб қолишди», — деб ўзлари хонтахта устига дастурхон ёзишга кетдилар. Спатару: «Қариндошларинг жуда яхши ҳаёт кечирар экан», — деб менга ҳовли саҳнидаги гуллар, ўрик ва бошқа дарахтларга имо қилди. Мен бу ҳовли эгалари қариндошларим эмаслигини ҳар қанча тушунтирсам ҳам у менга шубҳа аралаш қараб: «Қариндошларинг бўлмаса, нега бизни бунчалик ҳурмат билан қарши олишди?», — деди. Мен унга ҳар қандай ўзбек хонадонига келган меҳмон одатда шундай кутиб олинишини тушунтириб турган эдим, хола келиб қолдилар-да, бизга чой қуйиб узатдилар. Бироздан сўнг ошхонада ошга тайёргарлик бошланиб кетганлигини кўриб, мен: «Хола, чой учун раҳмат, сизникига ташриф буюрганлигимиз боиси, меҳмон узоқ Молдавиядан бизнинг Ватанимизга келиб, халқимиз урф-одат, анъаналарини ўрганишга, уларни ўз кўзи билан кўришга қизиққанлиги туфайли», — дедим ва кетишга ҳозирландик. Лекин хола: «Меҳмоннинг келиши ўз ихтиёри билан, кетиши — мезбоннинг ихтиёри билан, меҳмон атойи худо, сизлар бизникига келибсизлар, Аллоҳнинг бизга берган марҳамати бу», — дея қолишга ундадилар. Хонадон соҳибасининг бизга айтганларини сўзма сўз Спатаруга таржима қилиб турдим. Спатару ҳам холадан менинг у киши учун бегона эканлигимни, уй эгаларининг бизларга кўрсатаётган мезбонлик муносабатларининг самимий эканлигини англагач, энди қўшни хонадонга кирамиз деб қолди. Мен ноилож иккинчи ҳовлининг қўнғироғини чалдим. Бир бола чиқиб, одоб билан салом берганча: «Келинглар, адам уйдалар, қани уйга киринглар» деб қолди. Энди ўша пайтдаги ички хурсандчилигимни тасаввур этиш қийин.

Эшикдан чиққан бола нари борса 10-12 ёшлар чамаси эди-да. Молдавиялик олим ўшанда менга шундай деган эди: «Ўзбек миллати юксак маданият билан, дид-фаросат билан саранжом-саришта тарзда турмуш кечирар экан... мен халқимизнинг уй тутиш, ҳовли-жой қуриш маданиятига қойил қолдим, унда истиқомат қилаётган одамларнинг олижаноб инсоний маданияти, чуқур илдизга эга одатлари юксак маънавиятдан дарак беради».

Халқимиз миллий маданиятининг такрорланмас маънавий бойлиги унинг авлоддан авлодга, оғиздан-оғизга, устоздан шогирдга ўтиб келувчи турли донолиқлардан иборат эканлиги бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида айрим тарбияси бўш, руҳи ожиз ватандошларимизга бачкана, арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, бошқа миллат, бошқа эътиқод одамларининг ақлли вакиллари учун ўзбек халқ фольклори, маросим ва анъаналари жуда катта мўъжиза, маъноси чуқур фалсафа, уфқи кенг илм бўлиб туюлиши табиийдир.

Маълумки, инсон фарзанди тарбияси билан боғлиқ ўтмишда яратилган ҳар қандай ахлоқий-дидактик асар ёки фалсафий йўналишдаги рисола у ёки бу жиҳатдан халқ донишмандлиги намуналарига суянган. Мана шу ўтмиш тажрибалар сабоғидан келиб чиқиб, бугунги кун маънавий тарбия маданиятини ривожлантиришнинг энг муҳим ва осон йўлларидан бири ҳам халқ донишмандлиги меросидан фойдаланишдир. Бунинг учун мактаб ва ўрта, олий таълим учун чоп этилаётган одобнома, фалсафа, нафосатшунослик, сиёсатшунослик, педагогика, руҳшунослик, адабиётшунослик, ахлоқшунослик ва бошқа ижтимоий фанларга халқ миллий қадриятлари, одобномаси намуналари, пандномалари ва фольклори намуналаридан сингдириб юборилган тарзда ўқув даргоҳларига берилса, бунинг натижаси хайрли бўларди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ўзбек халқи донишмандлигининг турли шаклларидан таълим-тарбия ва маданий-маърифий ишларда амалий фойдаланадиган вақт келди.

**С. АЛИМОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент.**

*Иш билганга...*

# МЎМИНОВ ДАСТХАТИ

## ЁКИ ҚОЛОҚ БИР ЖАМОАНИНГ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МИЛЛИОНЕР БЎЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА

Солижон Мўминов бундан икки йил муқаддам Поп шаҳридаги 124-қурилиш-таъмирлаш ташкилотига бошлиқ бўлиб ўтганида, кўпчилик унга ачиниш билан қарагани рост. Боиси, ташкилотда ёғоч, тахта, цемент тугул, ҳатто девор оқлагани оҳак ҳам етишмас, ишчилар «кетаверсакмикан?» дея ишдан кўнгли совиб юрган кезлар эди.

Солижон жамоани йиғиб, ишбошилар, оддий усталар қуйнига қўл солиб кўрди. Жавоб битта: «Материал йўқ, бўлса ишлайверамиз». «Ташкилот ҳамёни бум-бўш бўлгач, материал қаердан бўлсин? - Ўзича мулоҳаза юритди янги бошлиқ, — йўқ, бу ҳолатда олға кетиб бўлмайди, йўлини топишимиз, бирор бир янгилик қўллашимиз керак...».

Ишлашни истаган имконият қидиради.

Мўминов ўйлай-ўйлай қоғозга гул тўсиқлар суратини чизди. Кейин шу сурат асосида ўғиллари билан эски темир-терсаклардан қолип ясаб, бир-икки намуна нусхаларини қуйиб усталарга кўрсатди.

—Ҳар бир ташкилотнинг олдидаги гулзор, ҳиёбонлар четини ана шундай гул тўсиқлар билан ўраб берсак, қалай бўлади? — деди у.

— Ахир, бунга анча-мунча цемент керак, - деди прораблардан бири энсаси қотиб, - кейин «Бизнинг хиёбонга тўсиқ қилиб беринг» деган одамнинг ўзи топилармикан?

— Биз бирор жойда бу ишни қилиб кўрсатайлик, маъқул бўлса цемент топилади, талабгор ҳам, - деди бошлиқ ишонч билан.

Худди шу кезларда битта таъмирлаш бригадаси туман марказидаги катта бир корхона биносини амал-тақал қилиб таъмирлаётган эди. Мўминов ўша корхона раҳбарига «Бинойингиз олди саҳнини ҳам сал безатиб берсак, нима дейсиз?» дея маслаҳат солди. Раҳбарнинг розилигини олгач, ишга киришилди. Таъмирловчилар тайёрлаб, дид билан ўрнатган ранг-баранг нақшли гул тўсиқлар бино чиройига чирой қўшиб юборди. Ўтган ҳам, кетган ҳам беихтиёр шу томонга қайрилиб қарар, «Аммо боплашиптими» деб қўярди.

Ўша корхона раҳбарининг кейин айтишича, қизиқиб сўраб-суриштирувчилар кўпайиб кетибди. Ҳатто айримлар «Бу қўқонлик наққошлар ишими ё Наманагандан олиб келдингизми, деб сўрашармиш: «Йўқ, бу ўзимизнинг Солижоннинг иши» деса, ишонишмасмиш...

Ҳар ҳолда ўша кунлари Мўминовнинг шу пайтгача жимжит турадиган телефони ҳам пайдар-пай жиринглайдиган бўлиб қолганди...

Поп—Фарғона водийсининг дарвозаси. Пойтахтимизни қўшни Қирғизистон Республикаси билан боғловчи «Тошкент-Уш» халқаро йўли худди шу тумандан ўтади. Бу ёғи Андижон-у Фарғонага ҳам, у ёғи Бухоро-ю Самарқандга ҳам Поп орқали борилади. Хуллас, десангиз, Мўминовнинг шаҳардаги ташкилот ва корхоналар саҳнига кўрк-тароват бағишлаб турган гул деворлари, гул туваклари ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам диққат-эътиборини тортди.

Қувасойликлар билан тузилган шартнома Солижонга қўл келди. Унинг ташкилоти Қувасой шаҳар ҳокимлиги ва шаҳардаги бир қатор бошқа корхоналар саҳнини ўз гул тўсиқлари, гул туваклари билан безатиб берди. Бунинг эвазига асосий буюртмачи - Қувасой цемент комбинати уларни керагидан ортиқ цемент билан таъминлаб турди. Бу эса гул тўсиқлари, плиталар тайёрлайдиган цехни кенгайтириш, иш ҳажмини ошириш имконини яратди.

Энди одимни сал каттароқ олса ҳам буларди. Мўминов ишлаб чиқариш кенгашларининг бирида янги ишга қабул қилинган қурувчилар, ҳунармандлар олдида шу ҳақда гап очди.

— Биз нафақат таъмирлаймиз, балки қурамиз ҳам, - деди у, эндиликда биздан бир умрга эсталик бўлиб қоладиган бинолар қурилишига қўл уришимиз керак.

— Катта имкониятлари бор йирик-йирик қурилиш ташкилотлари турганда бизга иш топилармикан? - деди бош муҳандис Раҳимжон Каримов.

— Топилади! - деди Мўминов.

Ва бу ишни ҳам ўзи бошлади.

Шундоқ шаҳарнинг ўртасида, истироҳат боғига кираверишда хусусий тижорат дўконлари қурилишига мўлжалланган жой бўларди. Мўминов ўйлаб ўтирмай, ҳокимлик раҳбарлари, меъморлар билан маслаҳатлашиб шу ернинг ўртасига тижорат дўкони қуришга киришди. Иш бошлангунча экан, қўшхонали дўкон битмасдан туриб, «бизга ҳам худди шунақасидан қуриб берсангиз» деб мурожаат қилувчи сармоядорлар кўпайиб қолди.

— Марҳамат, сотиб олишга кафолат беринг, кечи билан икки-уч ой ичида ўз дўконингизга эга бўласиз, - деди Мўминов.

Шу тариқа йўл ёқасида унга яқин замонавийлик билан миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган бири-биридан кўркам тижорат дўконлари қад ростлаб, шаҳар чиройига чирой қўшди.

Режаларимиз талайгина. Буюртмалар жуда кўп. Шуни ҳисобга олиб бир пайтлар қурилиб, тўхтаб қолган асфальт, оҳак цехларимизни ишга тушириб юбордик. Яқин ўртада арзиқ цехини ҳам ташкил қиламиз. Безакли ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Яна ташкилотимиз қошида шу йилнинг ўзида ҳар қандай турдаги автомашиналар, тракторларни, совутгич, телевизор, кир ювиш машинаси сингари рўзғор жиҳозларини таъмирлайдиган кичик бир корхона очишни ҳам кўзлаяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда ишбилармон раҳбар.

- Барибир касбингиз ўзига тортаяпти экан-да, — дейман Мўминовнинг асли ихтисоси инженер-механизаторлигига ишора қилиб.

- Йўқ, гап бунда эмас, - дейди у жиддийлик билан, - даврнинг ўзи ҳар биримиздан тинмай изланишни, доимо янгиликка интилиб яшашни тақозо этяпти...

**Ортиқали НОМОЗОВ.**

*ҚИШЛОҚДА МАИШИЙ ХИЗМАТ*

# «ГУЛЛОЛА»НИНГ ГУЛГУН ҚИЗЛАРИ

... Дастгоҳлар шовқини бир зум тинмайди. Қиз-жувонларнинг эса қўллари-қўлларига тегмайди. Кимдир тайёр кийимларга тугмалар қадаётир. Яна бошқаси янги либосларга дазмол босмоқда. Бирови эса ҳозиргина тикилган кийимни мижозга кўрсатиш учун шошилади. Хуллас, корхонада кун бўйи ҳаёт қайнайди.

Қамаши шаҳридаги маиший хизмат кўрсатиш уйининг «Гуллола» хусусий жамоа корхонасига айланганига атиги уч йил бўлди. Бироқ мана шу ўтган йиллар мобайнида корхонада жуда кўп ишлар қилинди. У иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланибгина қолмай, балки ўзининг харидоргир ва бежирим либослари билан тез орада мижозлар эътиборига тушди. Унга ёш меҳнатсевар, ўз касбининг фидойи чеварлари ишлаш учун жалб этилди. Бундан ташқари, маиший хизмат кўсатишнинг барча турлари бўйича аҳолига намунали хизмат кўрсатади.

Бугунги кунда жамоада қирқ нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Биринчи галдаги ишимиз цехларни кенгайтириш, қўшма корхоналар ва савдо дўконлари ташкил этиш, шу билан бирга ўзимизнинг валюта ҳисоб рақамимизни очиб, Республикамиз шаҳарлари ҳамда бошқа давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатишдан иборат. Бунинг учун ички имкониятларимиз етарли.

Яна бир нарса. Шаҳримиздаги кир ювиш цехини корхонамиз маблағи ҳисобидан сотиб олиш ва унга эгалик қилишни мўлжаллаяпмиз. Чунки бозор иқтисодиётининг бугунги талаби ҳам шуни тақозо этади. Аммо очиғини айтишим керак, нарх-навонинг кескин қимматлашуви, йўл-харажатларининг ошиб кетаётганлиги кераклли материалларни олиб келишимизга, қисқаси, умумий ишларимиз кўламига монелик қилаётир. Ундан ташқари банк тизимлари муаммолари ҳам фаолиятимизда қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунга қарамай, маиший хизматнинг барча турлари бўйича туманимиз аҳолисининг талаб ва истакларини тўла қондириш, шу билан бирга арзон, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, одамлар олқишини олиш ягона мақсадимиздир.

Биз «Гуллола» жамоа корхонаси раҳбарлари ва унда меҳнат қилаётган қиз-жувонлар билан хайрлашиб, йўлга тушар эканмиз, барча эзгу ниятлари уларга йўлдош бўлишига чин дилдан ишондик.

**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

*Ҳамкорлик қирралари*

# ЎХШАШЛИГИМИЗ МЕҲНАТКАШЛИКДАНДИР



*Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳоннинг кўпгина давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро тенг манфаатли алоқалар ўрната бошлади. Корея Республикасининг Таълим маркази 1992 йилнинг 27 майидан Тошкент шаҳрида ҳам фаолият кўрсата бошлади. Марказнинг раҳбари Чонг Ман Себ Тен жаноблари билан бўлган суҳбатимиз ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорликка бағишланди:*

— Корея Республикасининг Таълим маркази Президент Ислом Каримовнинг далатимизга қилган ташрифидан кейин, аниқроғи, юртингиз билан ана шундай муассаса ташкил этиш ҳақидаги шартномага асосан тузилди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, марказ ҳар иккала давлатлараро таълим, маданият соҳасида дўстлик ва ҳамкорлик кўприги бўла олади. Корея Республикасининг Таълим Вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Халқ Таълими Вазирлиги билан имзоланган Келишувга биноан иш олиб боряпмиз.

Таълим маркази корейс тили муаллимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида шу тилни ўргатувчи махсус машғулотларда 2000 дан ортиқ киши билим олгач, шартнома билан Кореяга янада чуқурроқ таҳсил олиш учун жўнатилди. Сўнгги икки йил мобайнида марказнинг саъй-ҳаракатлари билан 800 дан ортиқ Республикангиз фуқароси Кореяга юборилди. Марказ қошида ташкил этилган Тошкент шаҳри ва вилояти корейс тили ўқитувчилари кенгашининг фаолияти борасида ҳар йили муаллимлар семинари, сафарлар, олимпиада, фестиваллар ўтказилиб турилади. Кўрик-танловларда эса болажонларимиз нафақат адабиёт, тарих, бадиий ўқишда, балки қўшиқ айтиш, рақсда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Бундан ташқари биз Тошкентда муаллимлар ва ўқувчилар учун дарсликлар, ўқув қўлланма, болалар адабиёти ҳамда замонавий техника воситалари етказиб беришда қўлимиздан келганича ёрдам кўрсатамиз. Таълим маркази ташкил этилганидан буён 6240 дан ортиқ дарслик, 7500 дан кўпроқ болалар адабиётини кичкинтойлар учун туҳфа қилдик.

Бир эътибор беринг-а, бизнинг марказ ташкил этилганига тўрт йил тўлмоқда. Шу вақт мобайнида Сэул миллий дорилфунуни ва Корейс тили давлат академиясига 150 дан зиёд олий ва ўрта махсус билимгоҳларининг талабалари, маориф ходимлари юборилди. Муассасамизда уюштирилган олимпиада ва кўрик-танлов ғолибларидан 18 киши Кореяга юборилди. Дарвоқе, 1992 йилда марказнинг ташкил этилиши баробарида Ўзбекистонда юртимиз ҳаёти, маданияти, тилини ўргатувчи бир қанча туркум кўрсатувлар кўпчиликка маъқул бўлди. 1995 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Сэул таълим депортаменти имзолаган битимга кўра Тошкентдаги иккита ўрта мактаблар (260 ва 290) биродарлашган мактабларга айлантирилди.

Марказ қошида фахрийлар уюшмаси ҳам доимий иш олиб боради. Уюшма Корея тарихи, маданиятига бағишланган фильмлар намойиши, турли учрашув ва суҳбатлар, хотира кунларини ўтказиб туради.

Тез орада Тошкентдаги 266-ўрта мактаб ҳамда Тошкент вилояти, Туйтепа шаҳридаги 1-ўрта мактабда Таълим марказининг 5 йиллигига бағишлаб Корейс халқ ижодиёти фестивалини ўтказамиз. Шу билан бирга ликда ўзбек тили борасида ўқувчилар билимини синаш учун танлов ўтказиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Корея ёшларининг ҳаёти ҳақида нималар дейиш мумкин?

Аввал уларнинг билим олиши, кейин эса ҳаёти тўғрисида гапириб бера қолай. Бизнинг мамлакатимиздаги таълим тизими бир неча босқичга бўлинади: бошланғич мактабда ўқиш — олти йил, ўрта — уч йил, юқориси — уч йил, институт — тўрт йил, аспирантура — икки йилни ўз ичига олади. Асосан юқори мактабдан бошлаб мажбурий таълим берилади. Юқори мактабга кириш имтиҳонларидан маориф соҳасидаги мураккабликлар бошланади. Кореяда шундай ибора мавжуд, институтга кириш учун кунига тўрт соат ухлаш керак, беш соатлаб ухлаганлар ўқишга киролмайди. Ана шу иборанинг ўзгинаси олий ўқув юртига кириш имтиҳонининг қанчалик оғир эканидан долалат беради. Агар бола ўрта мактабнинг учинчи синфида ўқиса, у ҳолда ота-она зиммасига барча қийинчиликларни олиши керак.

Талабаларни институтга кўпроқ қабул қилишнинг имкони йўқмикан, деган саволнинг туғилиши табиий. Барча ёшлар олий ўқув масканларига бориши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам институт талаби даражасида ўқий олмайдилар. Қолаверса, биз йигит-қизларнинг олий ўқув юртини шунчаки тугатишларини эмас, балки юқори малакали мутахассислар тайёрлашни истаймиз. Институтнинг биринчи, иккинчи босқичларида талабалар ихтиёрига қараб бўш вақтда тўгаракларга қатнашишлари мумкин. Лекин учинчи босқичдан бошлаб улар ишга тайёргарлик кўришлари керак бўлади.

Йигитларнинг хизмат муддати яқинлашгач эса улар бурчларини ўтаб, сўнгра яна ўқишни давом эттирадилар. Ишга жойлашгач йигитлар 27-28 ёшда, қизлар 24-26 ёшда оила қуришади. Корея ёшларининг ҳаёти шундай ўтади, лекин нима бўлганда ҳам улар илм, фан, маданият, меҳнатда ҳам жуда фаол иштирок этишади.

Ўзбекистон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни билмоқчимисиз?

Тошкентга 1994 йилда келганман. Биласизми, биз ўтирган самолёт тунда тупроғингизга қўнган эди. Аэропортданоқ мени осуда ва гўзал шаҳрингиз буткул ўзига ром этганди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига 5 йил бўлди. Мана шу давр ичида мамлакатингизда ақл бовар қилмас ўзгаришлар рўй берди.

Президент Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари ва раҳбарлигида Ўзбекистон собиқ Иттифоқ Республикалари орасида ҳозир гуллаб-яшнаган давлатга айланди. Халқингизнинг меҳнатсеварлиги эса юрт келажаги буюклигидан дарак беради. Ўзбекистон ва Корея давлати ўртасида ўхшашлик жиҳатлар жуда кўп. Урф-одат, анъаналарда ҳам умумийлик бор. Катталарга ва айниқса, ёши улуғ инсонларга ҳурмат кучли эканини кўрибоқ, бу борада ҳам муштаракликни сездим. Ҳар иккала халқнинг меҳнаткашлиги алоҳида таҳсинга сазовордир. Айниқса, юртингиз ёшларининг шижоати, ғайратини эътироф этмасдан илож йўқ. Энг асосийси, давлатингиз сиёсати юксак инсонпарварлик ғоялари асосида юритилар экан.

Қадимги Хитой қўлёзма манбаларида «Корея шарқ фалсафаси, маънавиятини ўзида мужассамлаштирган давлат» деган сўзлар учрайди. Ҳар иккала Шарқ мамлакатларининг ўхшаш жиҳатлари ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорликка имкон беради.

**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди**

